

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 10-октябрь 15 октябрьгача)

№6

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 29 октябрь куни АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун АҚШ Президенти Барак Обама ва Давлат котиби Жон Керрига самимий миннатдорлик билдирди. АҚШ делегацияси 28 октябрь куни Самарқандда бўлиб, Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимиз хотирасига ва халқимизга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Сухбат давомида томонлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида изчил, муваффақиятли ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини таъкидладилар.

Турли даражадаги мунтазам мулоқотлар кўп қиррали ҳамкорликни самарали ривожлантириш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Анъана тусини олган сиёсий маслаҳатлашувлар доирасида томонлар ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашиб келмоқда. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш жараёни ва ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Томонлар савдо, сармоя ва юқори технологиялар соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка юксак баҳо бердилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг «General Motors», «Boeing», «General Electric», «Honeywell», «Hyatt», «Hilton» каби кўплаб етакчи компаниялари самарали фаолият юритмоқда. Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг аниқ мақсадли фаолияти кенг миқёсдаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишларда шериклик ва ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаб, кенгайтириб бориш учун зарур имконият ва салоҳиятга эга экани қайд этилди.

АҚШ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли

социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг, фуқаролик жамияти асосларини ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган улкан ўзгаришларнинг ёрқин натижаларини юксак баҳолади.

Томас Шэннон юртимизга ташрифи асносида ўзбек халқи бой тарихий-маданий ва маънавий меросга эга эканига яна бир бор амин бўлганини алоҳида қайд этди.

Ёшлар, турли диний конфессиялар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан очик ва самимий суҳбатлар, уларнинг эртанги кунга ишончи, интилувчанлиги, қатъияти ва ғайрат-шижоати меҳмонда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенглик муҳити диққатга молик экани алоҳида таъкидланди.

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясига ҳам ташриф буюриб, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимизни табриклади.

Томас Шэннон самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ва АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан серқирра муносабатларни изчил ва барқарор ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат давомида икки ва кўп томонлама аҳамиятга эга бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди

Ўзбекистон — БМТ: эзгу мақсадлар йўлида изчил ҳамкорлик

Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кун муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида тинчлик, осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Мазкур эзгу мақсад йўлида қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, айниқса, БМТ билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилот, халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир. Мамлакатимиз БМТга 1992 йилнинг 2 мартда аъзо бўлган. Ўша

кундан буён давлатимиз байроғи ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи -олдида ҳилпираб турибди.

Айни пайтда юртимизда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси (ЮНОДК), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС) ва бошқа тузилмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан биргаликда қатор халқаро анжуманлар, тадбирлар ўтказилиб, турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

БМТ аъзолари Ўзбекистон томонидан жаҳон миқёсида долзарб саналган кўплаб масалаларга оқилона ечим бўла оладиган ташаббуслар илгари сурилганини яхши билишади. Хусусан, Биринчи Президентимизнинг ушбу тузилма йирик мажлисларида билдирган қатор таклифлари, эзгу ғоялари доимо алоҳида ҳурмат билан тилга олинади, эътироф этилади. Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган “6+2” мулоқот гуруҳини ташкил этиш, Орол муаммоси оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасининг глобал масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида республикамизга БМТнинг нуфузли вакиллари бир неча марта ташриф буюрди.

Тадбирда шулар ҳақида алоҳида сўз юритилиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди.

— Аввало, шуни айтишни истардимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни давлат ва жамиятнинг турли жабҳалари барқарор тараққий топаётган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайдиган яқин ҳамкори, деб билади, — деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Юртингизда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатор ютуқлар қўлга киритилгани таҳсинга лойиқ. 2010 — 2015 йилларнинг ўзида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 162 миллион АҚШ долларидан зиёд лойиҳалар амалга оширилгани бунга яққол мисолдир. Айни пайтга келиб эса 2016 — 2020 йилларни ўз ичига олган навбатдаги босқич дастурлари доирасида иқтисодий фаровонлик, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит муҳофазаси ва самарали бошқарув соҳаларида икки йиллик режаларни рўёбга чиқаришга киришилди. Бу эса республикангизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни чуқурлаштириш йўлида ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Маълумот ўрнида келтириб ўтиш лозимки, бугунги кундаги глобал муаммолар ва таҳдидларга қарши БМТ ҳамда унга аъзо давлатлар томонидан 2030 йилга қадар мўлжалланган навбатдаги барқарор ривожланиш дастури амалиётга жорий этилди. Унда адолат ҳукм сурадиган, инсон ҳуқуқлари ва тенглик

таъминланган дунёни барпо этиш кўзда тутилган бўлиб, уч тамойил — иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазасини чамбарчас боғловчи, барчанинг, хусусан, аёллар, болалар ва ёшларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсади (БРМ) ва 169 вазифа белгилаб олинди.

Матбуот анжумани доирасида БМТ ташкил этилган сана муносабати билан режалаштирилган маданий дастурлар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари мустаҳкамланмоқда **Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданок бошқа соҳалар қаторида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Бу эса жамиятда суд ҳокимиятининг обрўси ошиб боришида ҳамда қонунийликни таъминлашда унинг роли янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутмоқда.**

Ўзбекистон умумэтироф этилган демократик принципларга оғишмай амал қилган ҳолда, ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил қадам ташлаб борар экан, суд-ҳуқуқ соҳасини ҳам замон талабларига, энг асосийси, инсон манфаатларига мос равишда такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилаётгани айни муддаодир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда имзоланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг манфиқий давоми сифатида муҳим тарихий воқеа бўлди, десак, муболаға эмас.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос аҳамияти шундаки, унда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини юксалтириш бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Мазкур вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини ошириш, уларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мус-таҳкамлашга хизмат қилади, юртимизда қонунийликка риоя этилиши янада юксак даражага кўтарилишида алоҳида ўрин тутади.

Фармондаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга эришиш йўлида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича назорат тартибида иш юритиш институтини ислоҳ қилишга қаратилган вазифаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Хусусан, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш назарда

тутилган. Қонунчиликда бундай тартиб белгиланиши суд қарорларининг барқарорлигини ва ишларнинг тез муддатларда ҳамда якуний ечимини топишга, шу билан бирга, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция ва кассация инстанцияларининг иш фаолияти янада яхшиланишига, ушбу инстанция судларининг ишларни қонуний, адолатли ва асосли ҳал қилиш борасидаги масъулияти янада оширилишига хизмат қилади.

Энг аввало, эътироф этиш лозимки, ривожланган кўплаб давлатларда ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари анча қисқа муддат билан чегараланган бўлиб, мазкур ҳужжатда назарда тутилаётган ушбу янгиликлар халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

Бундан ташқари, Фармонда назорат инстанцияси институтини ислоҳ қилиш мақсадида Олий суд Пленумининг муайян ишларни назорат тартибида кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларини бекор қилиш ҳам белгиланган. Фикримизча, ушбу норма суд қарорлари барқарорлигини таъминлашга, қолаверса, Олий судда мавжуд бўлган назорат инстанцияларининг самарали ишлашига туртки беради.

Мазкур Фармон судьяларнинг мустақил, фақатгина қонунларга бўйсунган ҳолда ўз фаолиятларини амалга оширишларини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ҳамда суд қарорлари барқарорлигини кафолатлашга эришиш йўлидаги ислоҳотлар самарасини янада юқорироқ даражага кўтариш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

СУВ УЧУН КУРАШ

Олимларнинг фикрича, сайёрамиздаги биринчи ядро уруши сув учун бошланиши мумкин ва у Россия ва АҚШ ўртасида эмас, балки Ҳиндистон ва Покистон ўртасида бошланади. Бу ҳақда хорижий ОАВ хабар бермоқда. БМТнинг Гамильтондаги (Канада) сув захиралари, атроф-муҳит ва саломатлик институти ходимлари Ҳиндистон яриморотида ичимлик сувининг етишмаслиги ҳақиқатда жуда жиддий муаммо эканлигини айтмоқдалар. Уларнинг фикрича, Ҳинд дарёси ҳавзаси исталган вақтда портлаши мумкин бўлган сув «бомбаси» ҳисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, охириги йилларда яриморолда сув захиралари учун низо авж олиб кетди. Яқинда Ҳиндистон Ҳинд дарёси бўйича икки томонлама комиссия ишининг якунланишини маълум қилди. Бу комиссия Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги сув муносабатларини 1960 йилдан бошқариб келган. 1960 йилда бу давлатлар Ҳинд сувлари ҳақида келишувни имзолашганди.

Келишув доирасида Ҳиндистон Ҳинднинг учта шарқий ирмоғидан, Покистон эса иккита ғарбий ирмоғи ва Ҳинднинг ўзидан фойдаланиш ҳуқуқини олганди. Бу келишув Покистоннинг Ҳиндистон билан уруш бўлиши ҳолатида дарё ирмоқларининг Ҳиндистон ҳудудидан ўтувчи қисми кўшнисини томондан тўсиб қўйилиши ҳавотири сабабли юзага келганди. Олимларнинг фикрича, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида бу масала бўйича ҳамфикрликнинг йўқлиги яқин келажакда улар орасида урушга олиб келиши мумкин.

ХИТОЙ 2017 ЙИЛДА НЕФТЬ ИМПОРТИ БЎЙИЧА АҚШДАН ЎЗИБ КЕТИШИ МУМКИН

Россия иқтисодий ривожланиш вазирлигининг 2017-2019 йилларга берган прогнозига кўра, Хитой 2017 йилда нефть импорти бўйича АҚШдан ўзиб кетиши мумкин. Хитойда жорий йилнинг январидан сентябргача нефть импорти ўтган йилдаги кўрсаткичдан 14 фоизга ортган. Бундан Хитой бош божхона бошқармаси маълумотлари гувоҳлик бермоқда. Божхона маълумотларига кўра, йил бошидан бери Хитой 283,51 млн тонна нефть импорт қилган, 2015 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 248,62 млн тоннани ташкил қилган. Хитой сентябрда 33,06 млн тонн нефть импорт қилган. Таъкидланишича, Россия, Ангола, Ироқ сентябрда Хитойга нефть етказиб берувчи учта етакчи давлат бўлди.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯДА 100 ДАН КЎПРОҚ ОДАМ ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИГА АЙЛАНДИ

Шимолий Корейда тошқин сабабли 138 киши ҳалок бўлди, яна 400 киши бедарак йўқолди. Тошқин юз берган Хамген-Пукто вилоятида 70 мингга яқин одам уйидан маҳрум бўлган. Жабрланганлар чодирларда яшамокдалар ҳамда озиқ-овқат ва ичимлик сувининг кескин етишмаётганини ҳис қилмоқдалар. Бу орада ноябрдаёқ бу ҳудудда ҳарорат -15 градусгача тушиб кетади. Бу давлатга халқаро ёрдам умумий ҳажми 15,5 млн долларни ташкил қилиши керак, бироқ ҳозирда бу қийматнинг 25 фоизигина тўпланган. Таъкидланишича, жаҳон ҳамжамияти Шимолий Корейнинг ёрдам ҳақидаги илтимосларига суст жавоб бермоқда. Бунга мамлакат томонидан яқинда ўтказилган ядровий ва ракета синовлари сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, тошқин охириги 70 йил ичидаги энг кучлиси бўлган. Тошқин «Лайонрок» тўфони чақирган жалалар ва Туманган дарёси тошиши оқибатида Хамген-Пукто вилоятини қамраб олган.

ПЕНТАГОН ҲАРБИЙ РАЗВЕДКАГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТНИ ЧОП ЭТДИ

АҚШ мудофаа вазирлиги ўз якунига етган жорий молия йилида ҳарбий разведкага сарфлаган харажатлари ҳақидаги маълумотни чоп этди. Маълумотга кўра, ҳарбий разведканинг барча эҳтиёжлари учун 17,7 млрд доллар ажратилган.

Гап ўтган йилнинг 1 октябридан жорий йилнинг 30 сентябргача бўлган давр ҳақида кетмоқда. Харажатлар «кутилмаган вазиятларда» хорижий операцияларни молиялаштиришни ҳам ўз ичига олган. Пентагонда бу маълумотлар ҳарбий разведка фаолиятига хавф солмаслиги сабабли чоп этилгани айтилди. Бироқ ҳарбий разведка бюджетига тааллуқли бошқа маълумотлар миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан чоп этилмайди. Аввалроқ АҚШ миллий разведкаси маъмурияти 2017 йил учун АҚШ разведка хизматлари эҳтиёжларига 53,5 млрд доллар сўрагани маълум қилинганди. Маълум қилинишича, 2017 йилда ҳарбий разведкага 16,8 млрд доллар ажратиш режалаштирилган.

ЛУЖКОВ НАЗАРБОВЕВГА ҚОЗОҒИСТОНДА 2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК СУВ ҚУВУРИ ҚУРИШ ТАКЛИФИНИ БЕРДИ

Москванинг собиқ мэри Қозоғистонда қиймати 2 миллиард долларга тенг бўлган сув қувири қуришни таклиф қилди. Собиқ Москва мэри Юрий Лужков жума куни Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашуви чоғида республикада чучук сув таъминоти учун сув қувири қуришни таклиф қилган. Унинг сўзларига кўра, гап Каспий денгизининг шимолий қисмидан бошланувчи тахминан 200 километрли «кудратли сув қувири» ҳақида кетмоқда.»Бу ажойиб ер, иқлимий ва табиий шароитлар — сув эса йўқ», — деди у. Манбага кўра, лойихага салоҳиятли инвестор топилган. «Биз бу лойихани ўрганиб, уни молиялаштиришга тайёр банк тизимини топдик. Пуллар сув учун тўлов ҳисобидан қайтарилади», — деди Юрий Лужков ва гап Қозоғистон банки эмас, халқаро банк тизими ҳақида кетаётганлигини таъкидлади. Лужков лойихадаги ўз ўрнига тавсиф берар экан, «бугунги кунда Қозоғистоннинг ўзида ишлаб чиқарилувчи жиҳозларни максимал даражада жалб этган ҳолда тўлиқ ташкилий-техник ижро» билан шуғулланишини айтди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А